

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил 12-сон



**Боши мұхаррір:** Наманган давлат университети ректоры С.Т.Турғунов

**Масъул мұхаррір:** Илмий ишлар ва инновациялар бүйіча проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул мұхаррір үринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги Р.Жалалов

## **ТАҲРИРҲАЙТАИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдураҳмонов.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ӯ.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. F.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник мұхаррір:** **Н.Юсупов**

**Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи қўчаси, 316-уй.**

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бүйіча Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома ға биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)ға эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.12.2021 йилдаги кенгайтирилган итилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (**Баённома № 12**). Мақомларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.



маъно борми? Қасидада келтирилган тавсифлар ўша даврдаги комил инсон ғоясини ифодалайди.

Рудакий “Май онаси” қасидасида адолатли ва донишманд, идеал ҳукмдор ғояларини акс эттирган. Рудакий Абу Жаъфар қиёфасида мамлакатдаги ўзаро урушларга чек қўйувчи адолат ва ҳақиқатни ўрнатувчи зўравонлик ва зулмга чек қўйувчи ҳукмдорни қўради, ўз амири ва амалдорларни ундан ўрнак олишга чақиради.

Рудакий сарой шоири сифатида жуда кўп қасидалар ёзган, аммо унинг қасидаларини сўнгти даврлардаги кўпчилик шоирларнинг асарлари билан таққослаб кўрсан, Рудакий қасидалари ўзининг услуби, оҳанги ва ғояси билан бошқалардан тамоман ажralиб туради. Унинг қасидасидаги мадҳ – қорани оқ, жоҳилни – олим деб мақтаб, мукофот олиш учун ёзилган асарлар эмас[6]. Шоир шеърнинг кучини жуда яхши сезар, унга ишонар ва ундан усталик билан фойдаланаар эди.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Нафиси С., Ахвал ва аш'аре Абу Абдаллах-Джафар... Рудаки, т. 1-3, Техрон, 1310-19, Б-78
2. Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968, Б-180
3. Рудакий. – Тошкент, 1957.Б-35
4. Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968, Б-182
5. Мирзаев А.М. Рудакий, Москва, 1968, Б-184
6. Бертельс Е. Э., История персидско-таджикской литературы, М., 1960.Б-25

## **АХБОРОТ МАДАНИЯТИ ГЛОБАЛЛАШУВИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

Кодиров Нодирбек Мамасолиевич

Наманган давлат университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада ахборот маданиятини бугунги глобаддашув жараёнларида миллий ва умуминсоний қадриятлар билан уйгунаштириши масалалари атрофлича таҳлил қилинган.

Шунингдек, мақолада ахборот маданиятининг бугунги кундаги долзарб масалаларнинг ечимиға оид хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ахборот, жамият, тараққиёт, омил, институт, мавзу, вертикал, сиёсий, маданий.

## **ВАЖНЫЕ ВОПРОСЫ ГАРМОНИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ И УНИВЕРСАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ГЛОБАЛИЗАЦИИ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ**

Кодиров Нодирбек Мамасольевич

Преподаватель Наманганского государственного университета

**Аннотация:** В статье дан комплексный анализ вопросов гармонизации информационной культуры с национальными и общечеловеческими ценностями в условиях современного процесса глобализации.

В статье также делаются выводы и рекомендации по решению актуальных вопросов информационной культуры сегодня.



юксалтириш, оила институтини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда”[2], – деб таъкидлаган эди.

Ахборот маданияти глобаллашуви шароитида бу муаммолар ечими қуидати вазифаларни кун тартибига қўймоқда, яъни:

1) умумий маданият тизимида ахборот маданияти тараққиётининг объектив шарт-шароитларини, асосий ҳаракатлантирувчи кучларини, мотивларини, механизмларни, стратегик йўналишиларини, истиқболларини белгиловчи ва моделлаштирувчи миллий институционал тизимни, унинг кадрлар корпусини шакллантиришни;

2) ахборот маданиятининг ижтимоий, иктиносидий, сиёсий, маънавий-ахлоқий йўналишиларида миллийлик ва умуминсонийликни, анъанавийлик ва замонавийликни интеграциялаштируви потенциал имкониятларни, уларни амалга оширишнинг рационал усусларини, конструктив воситаларини, оптималь технологик циклини моделлаштиришни;

3) ахборот маданияти феномени глобаллашувида миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик интеграциясини рағбатлантирувчи ёки уларнинг ривожланишига салбий таъсир қўрсатувчи омиллар тизимини функционал таҳлил қилиш тарихий тажрибаларини, муқобил таълимотларини ижодий умумлаштиришни;

4) ахборот маданияти интеграцияси ва глобаллашувинынг жамият ижтимоий структурасига, миллий тараққиётга, шахс маънавий-ахлоқий қиёфасини идентификациялаштирувчи омилларнинг ижобий ёки салбий таъсири оқибатларини баҳолаш мезонларига, конкрет тарихий ҳодисалар контекстида мушгарак-мужассам ёндашиш усусларини аниқлашни;

5) ахборот маданияти дифференциаллашуви ва унинг ривожланиш босқичлари ўргасидаги диалектик алоқадорликни таъминлашда, умуман фанлар, хусусан ижтимоий-гуманитар фанларнинг функционал интеграцияси тарихий тажрибаларини ижодий умумлаштириш, фанлараро муносабатларда назарий ва методологик толерантликни тақозо қилмоқда.

Бу вазифаларни бажариш ахборот маданиятида миллийлик ва умуминсонийликнинг шаклан ва мазмунан ўзгаришига олиб келади ва янги миллий анъаналари комплекси шаклланиши, глобаллашув потенциалини кучайтиради. Яъни айнан шу жараёнда миллий қадрияларнинг универсаллашуви ва глобаллашуви учун объектив шарт-шароит, субъектив омиллар тизими яратилади. Бундан ташқари, ахборот маданиятининг ривожланиш тенденцияларида дифференциаллашув ва интеграциялашув жараёнлари бирлиги, миллий ахборот маданияти индивидуаллигида умуминсонийлик мазмунини конкретлаштиради ва акс эттиради[3].

Ахборот маданиятида миллий ва умуминсоний қадриялар интеграцияси бир маромда силлиқ кечадиган жараён эмас. Бу жараёнда фалсафанинг диалектик таълимотларида – ички зиддиятлар, миқдор ва сифат ўзгаришлари, инкорни инкор муносабатлари; метафизикада – тараққиётнинг макон ва замонда миқдор ва сифат жиҳатларидан конкретлиги; синергетикада – ахборот маданияти ривожланишида – флюктуация ва бифуркация жараёнлари, тартиб ва хаос бирлиги; герменевтикада – ижтимоий ҳаётда субъектив (хусусан, маънавий-маданий) омиллар устуворлиги ривожланиш истиқболларини белгилashi ҳақидаги муқобил таълимотларнинг ўзаро муросага келиши, яъни:

биринчидан – ахборот маданияти йўналишилари ва соҳалари умумий интегратив тизимидағи элементларнинг структуравий-функционал ўзгаришилари уларнинг (объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари муқобиллигидан қатъи назар) бир-бирига боғлиқлиги нисбий, шартли ва индивидуал характерга эгалиги;

иккинчидан – глобал ахборот маданиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадрияларни тизими равишда, уйғуллаштиришнинг, тарғибот-ташвиқот, таълим-тарбия институглари педагогик-дидактик фаолиятини уйғуллаштириш, уларнинг комплекслиги, системалилиги ва узвийлигини таъминлаши;



38	Кимё саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш материал ҳаражатлари хисоби ва қарздорликни бартараф этиш масалалари Ачилов А.Н. ....	195
39	Sanoat korhonalarini raqobatbardoshligini oshirish maqsadida iqtisodiy boshqarish modellarini takomillashtirish muammolari Xudoyberganova D.A. ....	201

**09.00.00**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ  
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ  
PHILOSOPHICAL SCIENCES**

40	Some aspects of social philosophy of K.D. Ushinsky Zatsepin A.V. ....	206
41	Самосуд - ўзбошимчалик билан жазолаш Қурбонова Х.А. ....	211
42	Рудакий ахлоқий қарашларида одил ҳукмдор ва адолат масаласи Авазхонов Ю. ....	216
43	Ахборот маданияти глобаллашувида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари Кодиров Н.М. ....	219
44	Ўзбекистондаги экологик муҳитнинг ўзига хос ҳусусиятлари Омонов Б. ....	223
45	Экотуризмни ривожлантиришда шахс экологик ҳуқуқий онгинининг юксалганлик даражаси билан боғлиқлиги Джуракулов Х. А. ....	231
46	Глобаллашув жараёнида экологик ахлоқни шакллантиришда концептуал ёндашувнинг фалсафий ҳусусиятлари Абдуазимова З.А. ....	235
47	Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти Махмудов А.М. ....	242
48	Ғаззолий ва Кант эстетик қарашларининг қиёсий таҳдили Бозарова Ф.Ф. ....	248



учинчидан – ҳар қандай жамият ривожланишининг конкрет тарихий даврида миллий ва умуминсоний ахборот маданияти қадрияларининг нисбатан мустақил ва индивидуал тадрижий ривожланиши, миллиатларни идентификациялашгирувчи ва истиқболларини белгиловчи муҳим субъектив омил ҳисобланиши;

тўргинчидан – глобаллашувнинг ахборот маданиятига салбий таъсири оқибатлари ва эскалацияси сабабларини фан, техника, технология тараққиёти, урбанизация жараёни натижаларидан эмас, балки миллий этноэгоистик, этноэгоцентристик утилитар-меркантил манфаатларни мутлақлашгириниң қидириш кераклиги;

бешинчидан – ахборот маданияти умуминсоний қадрияларининг ижтимоий муносабатлар ва онг шаклларига тизимиға таъсир универсаллиги ва комплекс-системали характери, миллий маънавий-маданий, руҳий ривожланиш имкониятларини аниқлаш ҳамда унинг истиқболларини моделлашгирини намоён бўлади. Зоро, шу назарий-методологик асосида миллий ва умуминсоний ахборот маданиятини уйгунашгирини мақсадга мувофиқ йўналтириш, бошқариш ва оқибатларини назорат қилиш мумкин.

### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. З том – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2019.199 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2 том. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018.452 б.
3. Кодиров.Н.М. Ўзбекистон ёшлирида ахборот маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) автореферати – Самарқанд. 2021.

## **ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК МУҲИТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Баҳодир Омонов

Қарши давлат университетининг Педагогика институти,

Гуманитар фанлар кафедраси доценти,

ф.ф.ф.д (PhD)

E-mail:bahodiron@mail.ru

**Аннотация.** Мақолада экологик муаммоларнинг глобаллашуви, табиий ресурслардан бойдаланишидаги алоқалар мураккаблашувининг Ўзбекистондаги экологик муҳитга таъсири ҳақида фикр билдирилган. Шунингдек, Ўзбекистондаги экологик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Экологик вазият, табиий ресурслар, экологик вазият компонентлари, экологик глобаллашув, экологик муҳит, экологик муаммолар, антропоген таъсири, сув ресурслари, технологик тараққиёт, умуминсонийлик ва замонавийлик, экотизим, биомасса, техномасса.

## **ОСОБЕННОСТИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СРЕДЫ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация.** В статье рассматривается глобализация экологических проблем, влияние сложности отношений при использовании природных ресурсов на окружающую среду в Узбекистане. А также научный анализ особенностей экологической среды Узбекистана.

**Ключевые слова:** Экологическая ситуация, природные ресурсы, компоненты экологической ситуации, экологическая глобализация, экологическая среда, экологические



учинчидан, мазкур жараёнларнинг асосида умумисоний универсал-интегратив маънавий қадриятларга эҳтиёж ва уни қондиришга йўналтирилган ҳаракат, стратегик мақсад ётади;

тўртингчидан, маънавий-маданий интеграциянинг ҳосилиси бўлган ахборот маданияти глобаллашуви, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишнинг детерминлаштирувчи омили ҳисобланади;

бешинчидан, миллий маънавий-маданий меросга нигилистик муносабатни ва тарихий қадриятлар давальвациясини бартараф қилиш, ахборот маданиятини ривожлантириш даражасига боғлиқ бўлади.

Ахборот маданияти глобаллашуви билан боғлиқ бу жараёнларни билишнинг умумфалсафий-методологик аҳамияти, дунёдаги ҳар бир халқ, миллат ва давлатнинг маънавий-маданий тараққиёти қонуниятлари ижтимоий-тарихий асосларига мос тарзда ривожланиши ёки инқизорзга юз тутиши, миллий ва умумисоний қадриятларни уйғунаштиришга боғлиқлигини назарий-мантиқий жиҳатдан асослаши билан изоҳланади.

Ахборот маданиятининг ҳозирги ривожланиш босқичида (айниқса, унинг трансформаторлик функциясининг техник-технологик асослари мукаммаллашуви) жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муносабатлари интеграциялашуви ва глобаллашуви нисбатан универсал умумисоний қадриятлар шаклланишига олиб келмоқда. Яъни глобал маънавий-маданий воқеликнинг миллий (айниқса, маҳаллий) қадриятлари шартли ва хусусий ҳолга айланиб, умумисоний тамойиллар устуворлашмоқда. Шу билан бир қаторда, глобаллашув жараёнида миллатларнинг ўзаро ассимиляциялашиб, конвергенциялашиб миллий қиёфаси йўқолиб кетишига қарши ўзлигини англаш, тарихий хотирасини тиклаш, ўз-ўзини сақлаш “ижтимоий рефлекси ва инстинктини” ҳам кучайтироқда.

Айниқса ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, халқимизга миллий ўзлигини англатиб, руҳий-маънавий юксалитириш, тарихий қариятларни тиклаш ва ижодий ривожлантириш – давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бу ҳақда Шавкат Мирзиёев “Биз ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда минтақа миз халқларининг қадимий тарихи ва бой маданиятига, маънавий-ахлоқий қадриятларига, дўстлик ва ҳамжihatлик анъана наларига таяниб олиб бормоқдамиз”[1], – деб таъкидлади.

Миллий ва умумисоний маданий қадриятларни уйғунаштиришнинг, умуман инсоният тарихий тараққиётида, хусусан глобал ахборот маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, муҳим илмий-методологик аҳамиятга эга. Бунда уларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараёниларига таъсир имкониятларини, йўналишиларини ва механизmlарини аниқлашда Ўзбекистонда буюк аждодларимиз яратган бой моддий-маънавий мерослари тикланиши ва ривожланишидан, нафақат бу давлатда яшаётган миллат ва элат вакиллари, балки дунё халқлари ҳам манфаатдордир. Зоро, мамлакатимизнинг моддий-иқтисодий, руҳий-маънавий жиҳатлардан янгиланишига шу маконни Ватан қилган барча халқ ва этник бирликларнинг асрлар давомида шаклланган ва интеграциялашган тарихий мероси, интеллектуал салоҳияти асос бўлмоқда.

Ўзбекистонда ахборот маданиятининг бугунги ривожланиш даражаси ва унинг истиқболи кўпмиллатли ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган моддий-техник, маънавий-маданий меросини, умумисоний тарихий қадриятларини, замонавий илм-фан ва техника ютуқларини ижодий ўзлаштиришга боғлиқлигини тажрибалар исботлаб бермоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Бутун дунёда турли низо ва қарама-қаршиликлар авж олиб, тинч-осойишта ҳаёт ва хавфсизликка нисбатан хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги кунда кўпмиллатли ва кўпконфессияли жамиятимизни янада бирлаштириш, ёшларимизда умумисоний қадриятларга хурмат, билим олишга, маънавий камолотга интилиш туйғусини



**Ключевые слова:** информация, общество, развитие, фактор, институт, тема, вертикаль, политическая, культурная.

## **IMPORTANT ISSUES OF HARMONY OF NATIONAL AND UNIVERSAL VALUES IN THE GLOBALIZATION OF INFORMATION CULTURE**

Kodirov Nodirbek Mamasolievich, Lecturer at Namangan State University

**Annotation:** The article provides a comprehensive analysis of the issues of harmonization of information culture with national and universal values in today's globalization process.

The article also draws conclusions and recommendations on the solution of current issues of information culture today.

**Key words:** information, society, development, factor, institution, topic, vertical, political, cultural

Ахборот маданияти глобаллашуви – умуминсоний мақсад ва ижтимоий эҳтиёжлар тизими, миллий ва умуминсоний манфаатлар интеграцияси, ҳаракат мотиви ва механизмы, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллари уйғулиги, трансформациясини ташкиллашырувчи, бошқарувчи ва назорат қылувчи институтлар тараққиётининг ҳосиласидир.

Тадқиқ қилинаётган мавзу доирасида конкретлашыриб айтганда, кишилар ижтимоий бирликтарининг (муайян тарихий типларидан, ривожланиш даражасидан қатыназар), ахборот маданиятидаги миллийлик ва умуминсонийлик интеграцияси этнослараро, давлатлараро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг горизонтал ва вертикаль уйналишиарда ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Яъни глобаллашув шароитида, потенциал имкониятларнинг реалликка айланishi, турли миллатлар маданий ахборот қадриятлари интеграцияси учун "цивилизациялашган майдон" яратишни тақозо қилади.

Луғавий-мантиқий мазмунига кўра, инсониятнинг, умуман жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларидағи, хусусан, ахборот маданияти интеграцияси – "марказга интилма"; глобаллашуви – "марказдан қочма" ҳаракатни ифодалайдиган тушунчалар сифатида фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан, жамиятни ташкил қилган структуравий элементларнинг (муайян мақсад ва эҳтиёж доирасида) функционал интеграциялашув ва глобаллашув жараёнлари уйғулиги, ҳар қандай ижтимоий бирликларнинг мавжудлик ҳолатини, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қиёфасини, ривожланиш тенденциясини ва истиқболини белгилайди.

Бунда, глобаллашув жараёнита импульс берувчи етакчи марказларнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий ривожланиш даражаси, цивилизациялашиш характери ахборот маданияти интеграциялашув ва глобаллашув тенденциясини, трансформацияси усул-воситалари, технологияси, ривожланиш суръати ва келажагини белгилайди. Умуман, ахборот маданияти глобаллашувида сабаб ва оқибатнинг бир-бири билан ўзаро диалектик боғлиқ хусусиятлари намоён бўлади, яъни:

биринчидан, бу ҳодисанинг объектив характери дунёдаги халқлар, миллатларнинг моддий-маънавий қадриятлари тадрижий интеграцияси натижасида содир бўлиши билан изоҳланади;

иккинчидан, глобал ахборот маданият: маҳаллий, миллий, худудий маданиятлар интеграциялашувининг умумий ривожланиш қонуниятларига бўйсуниши, уларнинг хусусий қонунларини истисно қилмайди;